

Рамазон ойида дуо



11:52 / 19.04.2023 9472

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу айтадиларки, Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кимки Рамазонда Аллоҳни зикр қилса авф қилинади ва Ундан сўраса ноумид қайтарилмайди деганлар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Рамазоннинг ҳар кечасида фаришта тушиб шундай дейди: «Эй, яхшилик умидидагилар! Олдинга юринглар. Эй, ёмонлик истовчилар! Тўхтанг ва кўзларингизни очинг».

Кейин эса фаришта хитоб қилади: «Гуноҳлардан мағфират бўлишни хоҳлаганлар борми? Тавбаларини қабул бўлишни хоҳлаганлар борми? Дуоларини ижобат бўлишни хоҳлаганлар борми? Истакларини бажарилишни хоҳлаганлар борми?»

Шунингдек, дуонинг ижобат бўлиши шартлари мавжуд. Кўпинча бу шартларга риоя қилмаганликдан дуолар қабул бўлмайди.

Улардан муҳими – ҳаром луқма. У сабаб дуо қабул қилинмайди. Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Мушкул аҳволга тушганлар қўлларини осмонга кўтариб шундай дейдилар: «Эй, Парвардигорим! Эй, Парвардигорим!». Қандай қилиб уларнинг дуолари қабул қилинсин, ахир таомлари ҳам, ичимликлари ҳам, либослари ҳам ҳаромдан бўлса».

Тарихчилар ёзишадики, бир шаҳарда бир гуруҳ дуоиси ижобат бўладиган инсонлар бўлган экан. Қачон ёвуз ҳукмдор келса дуо қилиб уни тахтдан кетказишар экан. Бир киши ҳукмдор бўлганида бу инсонларни зиёфатга чақиради. Улар таомлангандан сўнг янги ҳукмдор шундай деган экан: «Энди мен уларнинг дуоларидан омондаман, чунки уларнинг ичига ҳаром луқма кирди». Энди судхўрлик, порахўрлик ва ёлғон бўлиб турган бир даврда ҳалол овқатланишга бир назар ташлайлик.

Манба: islom.uz